SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 10-APREL ■ PAYSHANBA ■ 46 (27.066) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Украина Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифига доир

2003 йил 10-11 апрель кунлари Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида томонларни қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Ижтимоий мажмуа мажлиси

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг 2003 йил биринчи чорак якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг бориши муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур дастурда белгиланган ишлар, хусусан, маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича ўтказилган умумхалқ ҳашарининг натижалари, Наврўз умумхалқ байрамининг нишонланиши ҳамда дастурда кўзда тутилган бошқа тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Шунингдек, «Баркамол авлод», «Умид нихоллари» ўқувчилар спартакиадаларига тайёргарликнинг бориши ва «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» фаолияти ҳақида фикрлашиб олинди. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантиришга, оммавийлаштиришга, маҳаллаларни болалар спортининг масканларига айлантириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Президентимиз ўтган ойда Ўзбекистон тарихи Давлат музейига ташрифи чоғида музей фаолиятини такомиллаштиришга доир қимматли маслаҳатлар берган эди. Хусусан, музей экспозициясини Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган миллий давлатчиликнинг тараққиёт босқичларини кўрсатиш бош концепциясидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ноёб экспонатларни мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли нашрларда тарғиб этиш, уларни чет эл музейлари ва бошқа кўргазмаларда намойиш этишни уюштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Мажлисда музей жамоаси томонидан бу борада олиб борилган ишлар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мажлисда «Ўзбектуризм» миллий компаниясида ислоҳотларнинг бориши, шунингдек, Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

мидаги корхоналар, «Тоштўқимачи», «Наманган текстил», Бобур номли Андижон ип газлама акциядорлик жамияти маҳсулотлари ҳам саноатчиларимиз нималарга қодирлигини кўрсатиб турибди. «Антекс», «Олтинкўл», Тошкентдаги «Тонг», «Юлдуз», Намангандаги «Муштарий» акциядорлик жамиятларининг турли-туман кўркам маҳсулотларига талаб катта. Эркак ва аёллар кийим бошлари, болаларбоп маҳсулотлар бежиримлиги билан эътиборни тортади. «Қувасой чинниси», «Хива гилами» сингари корхоналарнинг жамоалари ҳам ярмаркада муваффақиятли қатнашмоқда.

Ярмарканинг уюштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ. Илғор корхоналар билан тадбиркорлар ўртасида савдо шартномалари тузишга шароит яратилган.

Андижонда 13 апрелгача давом этадиган республика савдо ярмаркаси аҳоли эҳтиёжини қондиришда, талаб-истакларини ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл» ОАЖ ишчиси Нигора Усмонова тайёр маҳсулот билан; Андижон вилояти пойабзал ишлаб чиқариш ОАЖ лабораторияси мудири Комилахон Ботирова.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Сифати ҳам, нархи ҳам харидорга маъқул

Андижонда баҳорги-ёзги мавсумий товарлар республика савдо ярмаркаси давом этмоқда

Андижон вилоятининг енгил ва маҳаллий саноат корхоналари жамоалари иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш йўлида изланаётганликлари, ички бозорни ҳимоя қилишда муҳим ўринга эга эканлиги намойиш этилаётган маҳсулотлар кўргазмасида яққол намоён.

— Маҳсулотларимиз чет элникидан қолишмайди, — дейди «Анконтекс» қўшма корхонаси бош директори Шуҳратбек Зайнобитдинов. — Ўзимизники кўп жиҳатдан афзалликларга эга. Маҳсулотнинг сифати ва нархи ҳам харидорларга маъқул тушадиган даражада.

— Ярмаркада ўз корхоналаримиз маҳсулотларини кўриб қувондим, — дейди харидорлардан бири. — «Олтин Дери», «Анконтекс» қўшма корхоналари маҳсулотлари маъқул бўлди. Маҳалладошларим билан бу қўшма корхоналарнинг маҳсулотларидан харид қилдик.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси тизи-

Соҳибқиронга эҳтиром

Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд куни кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони 9 апрель куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга турли вазирлик ва идоралар, илм-фан аҳли, санъаткорлар, ижодкорлар, фахрийлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Тадбирни Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али очди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида буюк бобокалонимиз хотирасини абадийлаштириш, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш, маънавий меросидан халқимизни тўла баҳраманд этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизда соҳибқирон ҳайкали қад ростлади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Пойтахтимизда муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди.

Маросимда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Тошкент давлат юридик институти талабаси Мўътабар Ҳусанова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк бобомиз анъаналарига ҳамоҳанглиги, соҳибқироннинг ибратли фаолияти ва ўлмас мероси халқимиз, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Буюк бобомизнинг ўгитлари — Ватан ва халқ фидойиси бўлиш, истиқлолни кўзқорачиғидай асраш, илм-маърифатга интилиб яшаш барчамиз учун доим ибрат бўлиб қолаверади. Амир Темур асос солган миллий давлатчилигимиз анъаналари бугунги кунда ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тантана иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

✧✧✧

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг истиқлол йилларида ўрганилишига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

✧✧✧

Суратда: тадбирдан лавҳа

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Ишга тикланди

Урганч шаҳар 6-даҳа, 2-уйнинг 36-хонадонида истиқомат қилувчи Назира Худойберганова таҳририятга ариза билан мурожаат қилиб, Урганч уйсозлик комбинати раҳбарлари айби билан икки йилдан ошиқ муддатда ишсиз юрганини баён этиб, ишга тикланишида ёрдам беришимизни сўраганди.

Газета мухбирининг воқеа жойида бўлиб, ўртада содир бўлган ўзаро келишмовчиликни ўрганганидан сўнг фуқаронинг аризаси ижобий ҳал қилинди.

Ўтган даврда уйсозлик комбинати тугатилиб, «Хоразмқурилиш» акциядорлик жамияти таркибига қўшилган. Бунда, албатта, штатлар қисқарган. Аризачи ишдан сабабсиз бўшатилгани учун судга мурожаат қилиб, етказилган моддий-маънавий зарарни ундирган.

«Хоразмқурилиш» акциядорлик жамияти раиси Қ.Нуниёзов томонидан таҳририятимизга берилган жавобда «...Газетага ариза билан мурожаат қилган Назира Худойберганова 2003 йил 4 февралдан бўёқчи вазифасига ишга тикланди» дейилади.

Халқ саломатлиги йўлида

Попда республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг туман бўлими ўз фаолиятини бошлади

Мамлакатимизда эл соғлигини сақлаш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиётдаги янги тизим ҳисобланган «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлимлари шаклланиши ниҳоясига етиб бормоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини янада яхшилаш юзасидан чиқарилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари жойларда қандай бажарилаётганлиги ҳукумат эътиборида турибди.

Попда марказнинг бўлими очилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ажратилган бинони таъмирлашга 300 миллион сўм маблағ сарфланди. 60 ўринга мўлжалланган бўлимда 74 нафар шифокор, 77 нафар ҳамшира попликларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Бўлим тўлиқ тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шундан 72 турдаги замонавий тиббий асбоблар хориждан мурувват тариқасида келтирилган. Бундан ташқари алоқа воситалари, транспортлар шифокорлар ва беморларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Халқимиз саломатлиги йўлида ташланган яна бир хайрли қадам тиббиётдаги ислоҳотларнинг ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

Фаррух ХАМРОЕВ

Улус меҳри — улуғ обида

9 апрель — Буюк соҳибқироннинг таваллуд топган куни уни эслаш ва эҳтиром билдириш куни бўлиб қолди. Чунки истиқлол уни ўз халқига қайтарди. Ҳар қандай тарихий шахс ҳаётида киндик қони тўкилган юрт алоҳида ўрин тутади. Тарихнинг 2700 йилга тенг силсилаларини бошдан кечирган абадий шаҳар — Кеш ҳам шундай.

Улуғ зот таваллуд топган куни эрталаб хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди. Шаҳар марказида тикланган ҳайкал пойига вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, меҳнат жамоалари вакиллари гуллар қўйишди. Бир кун олдин республикамиз ва вилоятнинг етакчи олимлари иштирокида шаҳар санъат саройида «Амир Темур — ўзбек давлатчилигининг асосчиси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Алоҳида дастур асосида тайёрланган тадбирлар марказий ўйингоҳда ўтказилган кураш ва бошқа спорт мусобақаларига уланиб кетди.

Ўз мухбиримиз

Нонимизнинг чиройи ва мазаси

ГОҲИДА СИЗГА МАНЗУР БЎЛМАЁТГАН БЎЛСА, САБАБИ НИМАДА, БИЛАСИЗМИ?

Савдо дўконлари ва шахобчалари орқали сотилаётган нон ва нон маҳсулотларининг сифати, уларнинг вазни, мазаси, меъёрий талабларга жавоб бериш ёки бермаслиги кўпчилигимизни қизиқтириши табиий. Чунки, нон энг азиз, энг зарур неъмат.

— Эски Жува бозорига яқинроқда ижарада яшаймиз, — дейди ўзларини талаба деб таништирган йигитлар. — Бозор тими остидан ҳар куни буханка оламиз. Давлатникими, қўлникими, билмаймиз, айтишмайди. Бир гал — нон кичикроқ, рангсизроқ ва таъми ҳам тахирроқ бўлади, бир гал — каттароғу, вазни енгилдек туюлади... Барибир оламиз... нон-да, ҳар куни керак...

Дарвоқе, шаҳримизнинг кўпгина савдо дўконлари, уларнинг шахобчалари, пештахталари ва баъзан гавжум йўлаклар ҳамда бозорларда ҳам «қолипли нон»лар сотилаётганлигига кўзимиз тушади.

«Тошкентнон» уюшмаси ва «Ўзстандарт» маркази мутахассислари берган маълумотдан:

«...Ушбу маҳсулотлар махсус нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган новвойхона печларида эмас, оддий «Жарочный печ»ларда ҳеч қандай технологик жараёнларга риоя қилинмасдан пиширилмоқда. Хомашё ва тайёр маҳсулотлар нотўғри шароитларда сақланяпти. Ишлаб чиқариш учун на рухсатнома бор, на мувофиқлик сертификати. Яширин цехлардан ишлаб чиқарилаётган нонларнинг ташқи кўриниши ва бўйи-басти истеъмолчиларни ранжитмоқда ва кўплаб эътирозларга сабаб болмоқда. Хамир тайёрлаш вақтида меъёрдан кўпроқ миқдорда ҳар хил бирикмалар қўшилиши ҳам нон ишлаб чиқаришнинг меъёрий калькуляцияларга зид...»

2-бет

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда
BUSINESS BANK

Суратларда: 1. Умумий кўриниши; 2. Бўлимнинг очилиши; 3. Бир гуруҳ шифокорлар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«АРИЗАНГНИ ЁЗ, ИШДАН КЕТ...»

ҚУЛОҒИГАЧА ҚАРЗГА БОТГАН НОЧОР БИР ХЎЖАЛИКНИНГ ҚАДДИНИ ТИКЛАГАН, ТАЖРИБАЛИ, ТАДБИРКОР РАҲБАРГА АНА ШУНДАЙ БУЙРУҚ БЕРИЛДИ. ОРАДАН КЎП ЎТМАЙ ЭСА «ИШИНИ ПРОКУРАТУРАГА ЎТКАЗИНГ» ДЕГАН КЎРСАТМА БЎЛДИ...

— Хўрланиш жондан ўтди, — дейди Ражаб Ҳасанова оқарган сочларини рўмоли билан беркитар экан. — Битта сизнинг газетангизга эмас, бошқа идораларга ҳам ёздик. Яна мурожаат қилаяпмиз. Чунки, ишни эпполмай кетган раис энди арз қилиб юрибди. Биздан 4 миллион сўм ундириб олармиш. Мард бўлсанг, судга бер, қонуний жазолатда!

Оҳори тўкилган, аммо тоза кийим кийган бу аёлнинг 6 нафар фарзанди бор экан. Оиласи билан 23 гектар ерни ижарага олишибди. Ерлари насос билан сув ичар экан. Насос эса доим бузилиб турибди. Мўлжалдаги ҳосилни олишолмабди. Иқтисодий ночорлик... юракни куйдирадиган гаплар...

Косон туман ички ишлар бўлими профилактика нозири, милиция лейтенанти Алишер Эргашев тўпланган ҳужжатлар билан ҳеч оғринмай таништирди. Дарҳақиқат, ширкат раиси (ҳозирда собиқ) Шодиёр Султонов Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Юлбарисов ва Косон туман ички ишлар бўлими бошлиғи О.Суюнов номига шикоят ёзган экан. Шикоятда «Қорабайр» қишлоғида яшовчи Б.Ҳасанов, Р.Ҳасанова, Н.Эштўхтаров, Ш.Раҳимовлар ишлашга халақит беришгани, туҳматдан иборат аризалар ёзишгани, натижада соғлиғини йўқотгани, улардан моддий ва маънавий зарар сифатида 4 миллион сўм ундириб беришлари лозимлигини кўрсатган. Арзнома юзасидан йиғилган ҳужжатлар орасида битта «Маълумотнома» ҳам бор экан. Унда 2001 йил давомида Р.Ҳасанованинг шикоятлари юзасидан 7 та режали ва 10 та режасиз текшириш ўтказилганлиги қайд этилган.

— Кўрдингизми, — дейди нафратини яширмай Р.Ҳасанова, — ахир, Султонов 2001 йилнинг ноябрь ойида раислик лавозимини эгаллаган бўлса, қандай қилиб ўтган даврда унинг устидан шикоят ёзамиз? Ҳақиқатда булар олдинги раисга нисбатан уюштирилган шикоятлар бўйича ўтказилган текширишлар. Буни кимлар ёзганини ҳамма билади.

— Биз бор гапни ёздик ва буни ҳеч кимдан яширмаймиз, — дея суҳбатга қўшилади Шуҳрат Раҳимов. — Мен 16 гектар ерни 7 йилга ижарага олганман. Унинг бир қисмини тортиб олиб, ошна-оғайниларига бермоқчи бўлди. Ана шу ҳақорат ва хўрликлар сабаб янги раис ишни эплай олмаётгани, 12 миллион сўмга келтирган сув насоси генератори ишламай ётгани, экинларга сув етказиб берилмаганлиги ҳақида ёздим.

— Султонов ҳаммани тенг кўрганда, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. У одамларни гуруҳлар айириб ташлади, бизни турткилай бошлади, — давом этади Р. Ҳасанова. — **Чунки, биз олдинги раис Шониёз ака ноҳақ бўшатилаётганига қарши турганмиз.** Кейин ҳам унинг ўз ишига қайтишини талаб қилдик. Адолатсизлик бўлганини ҳамма биларди, аммо кўрқишарди, биз эса ҳақсизликка қарши бош кўтардик. Аввал ана шуларни бир ўрганинг, кейин гаплашаверамиз...

Гапнинг сираси, чорвачиликка ихтисослашган кичкина хўжалик катта можаролар майдонига айланди. 1966 йилда ташкил топган хўжаликнинг 1995 йилнинг 25 майда ўтган умумий йиғилишида инқирозга учраганини расман эълон қилишга мажбур бўлишди. Уни хонавайрон қилган кимсалар ими-жимида чеккага чиқиб олишди. Оқибатда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 августдаги 290-сонли қарори билан «Қорабайр» хўжалиги банкрот, деб эълон қилинди ва мол-мулки сотувга қўйилди. Ўшанда зиммада 57 миллион сўмдан ошиқ қарзи бор эди.

Харидор чиқмадими ёки сақлаб қолиш нияти пайдо бўлдими, хуллас, 1997 йил охирида «Қашқадарёғўштсутсаноат» компаниясининг тавсиясига кўра, Шониёз Боборажабов хўжалик раислигига сайланди. Асли косонлик бўлган Ш.Боборажабов ўшанда банкротга учраган Қамаши паррандачилик хўжалиги раҳбарлигига тайинланган, аҳволни ўнглашга (ҳозир сотилиб кетди) уринаётган эди. Ундан-да ночор хўжаликка нега келганини айтиш қийин. Балки узоқ йиллар четда ишлагани туфайли туғилиб ўсган жойига қайтишни истагандир... Аммо оқибати хайрли бўлди. Хўжалик 1999 йилда барча қарзлардан қутулиб, 5 миллион 907 минг сўм, 2000 йилда 9 миллион сўмдан ошиқ соф фойда олди. Одамларнинг қўли пул кўрди, меҳнатлари зое кетмаслигига ишонч пайдо бўлди.

Ҳамма умидини узиб қўйган хўжаликнинг қутилмаганда қаддини кўтара бошлагани кўпчиликда ҳайрат уйғотди. «Ёғлиқ луқма»нинг харидорлари ҳам кўпайди. Ўша йилларда Косон тумани ҳокими бўлган, ҳозир Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкатга раҳбарлик қилаётган Амирулла Чориев бир куни менга шундай деганди: «Ҳокимиятга, менинг ҳузуримга бир неча бор Ш.Боборажабовнинг ўрнини сўраб кирганлар бор. Бундай қобилиятли раҳбарни улар айтган номзодга алмаштириш адолатсизлик бўларди. Таклифларини рад этганман...»

— 2001 йилнинг март ойи эди, — эслайди Шониёз Боборажабов. — Туманимизнинг янги ҳокими Жўрабой Майдонов хўжалигимизга келди, одамлар билан гаплашди. Ишимиздан қониққанини айтди. Чунки қарзимиз йўқ эди, иш ҳақлари ўз вақтида берилаётганди, фойдали ишларга қўл урганди. Янги раҳбаримиз билан ишлаш яхши бўлишига ишончимиз комил эди. Кўп ўтмай, адашганимни пайқадим. Бу орада вилоят сув назорати инспекцияси бошлиғи Омон Суяров 7 нафар ходими билан келиб, сувдан фойдаланиш, уларга тааллуқли бўлмаса-да, ички шартномаларни ўрганиб кетишди. Хатоларимиз бўлса, тузатишга кўмак берадиган далолатнома билан таништиришмади. Бу ҳужжатни ҳокимнинг қўлида кўрдим. У мени аввалига анча қойиди, сўнгра тўсатдан «аризангни ёз, ишдан кет», деди сенсираб. 3 август куни эса вилоят ҳокими билан биргаликда хўжалигимизга келди. Улар дарёдан сув олаётган насосни бориб кўришди. Биз чорвачилик хўжалигимиз, озуқа учун 30 гектар ерга маккажўхори билан кунгабоқарни аралаштириб экканмиз, 100 гектар жойда пахтамиз ҳам бор эди. «Сувни пахтага бер», деган топшириқ бўлди. Шу куни кечқурун туман бўйича ўтган йиғилишда «ишини прокуратурага ўтказинг» деган кўрсатмани эшитдим...

Асоссиз танқидлар, кесатиқ гаплардан чарчаган эди. Нописандлик билан айтилган бу гаплар суяк-суягидан ўтиб кетди. Ноҳақликларни юраги кўтара олмади — 6 август куни оғир аҳволда вилоят шифохонасининг юрак хасталиклари бўлимига олиб борилади. Бир ой жони азоб ўтида қоврилди. Устига-устак жигари шиша бошлади. Меҳнат таътилига чиқиб, яна шифохонага ётди.

Бу орада на қонунга, на инсофга тўғри келадиган ишлар бошланиб кетган эди. Туман ҳокими уни бўшатиш ҳақида қарор қабул қилди. 13 сентябрда хўжаликда ўтган йиғилишда бу воқеага расмий тус берилди. 27 ноябрь куни ҳокимнинг ўзи бош бўлиб, вилоят мева-сабзавот бирлашмаси ходими — Ш.Султоновни раисликка сайлатиб кетди. Аммо ҳаётнинг ўз қонунлари бор — 2002 йилнинг сентябрида айнан туман ҳокимининг ўзи бу раисни ҳам бўшатишга мажбур бўлди...

Даволаниб, меҳнат таътилидан қайтган Ш.Боборажабовга иш таклиф қилиш ўрнига қўлига ишдан бўшаганлиги ҳақидаги қарорни тутқазишди. Саводли, тажрибали, тадбиркор кадр кўчада қолди.

— Мевали дарахтга ҳамиша тош отиларкан, — дейди Ражаб Ҳасанова. — Раисимиз Шониёзнинг ноҳақ бўшатилаётгани, бунга ғараз аралашганини айтганимиз билан, ёрдам беролмадик. Эътироз ва шикоятларимиз инобатга ўтмади. Туман ҳокимига ёшқари бордик, аммо у киши тинглашни ҳам истамади. Қайтанга ўзимизга тазйиқ ўтказа бошлади...

Косон туман прокуратураси хўжаликнинг бир йиллик эмас, 4 йиллик фаолиятини синчиклаб ўрганганди. Бирор айбни топишга ҳаракат қилинди. Кейин бошқача йўл тутилди: шифохонага «элчилар» келишди. «Катта билан тортишманг, ўз ихтиёрингиз билан ариза ёзинг» деган таклифга Шониёз рад жавоби берди.

Шундан сўнг хўжаликка яна (ўн еттинчи марта!) текширувчилар келишди. Бу сафар вилоят солиқ ва молия бошқармалари ходимларидан иборат тафтишчилар хўжаликнинг «2002 йил 1 январидан 2001 йил январигача солиқ қонунчилигида амал қилиши ва молиявий фаолиятини» ўрганишди. Бироқ улар текширувда асосий жавобгарларни қатнаштирмади, ҳужжатлар билан таништирмади. Далолатномани тўғридан-тўғри прокуратурага топширишди.

2001 йилнинг декабрида Ш.Боборажабов туман ҳокимининг ноқонуний қароридан норози бўлиб, судга мурожаат қилди. Масала кўриниши арафасида эса унга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги маълум бўлиб қолди.

Терговни Косон туман прокуратураси терговчиси Б.Қудратов олиб борди ва жиноий иш (фақат раис ва бош ҳисобчи айбланган) судга ўтказилди. Бу орада хўжаликнинг янги раҳбари таклифи билан «Хизмат» хусусий аудиторлик фирмаси ходимлари — Р.Эшманов ва Х.Бозоровлар «2001 йилдаги молиявий фаолиятни» ўргана бошлашди. Эътибор беринг, сал олдинроқ бу давр текшириб кетилган эди. Тузилган далолатнома зудликда судга етказилган куниёқ, ҳақиқий мақсад аён бўлди. Жиноят ишлари бўйича Косон туман суди бу янги «далиллар мажмуини» ҳеч иккиланмай қабул қилиб олди. 2002 йилнинг 15 апрелида жиноий иш қўзғашга асос бўлган далолатнома (вилоят солиқ ва молия ходимлари тайёрлашган) билан янги тақдим этилган далиллар ўртасида тафовут борлиги, айрим масалаларга ойдинлик киритиш лозимлиги кўрсатилиб, жиноий иш қайта терговга қайтарилди.

Шунда Ш.Боборажабов аудит текшируви қонун талабларига зид равишда ўтказилганлиги, ўзи ва бош ҳисобчи Ю.Қаҳҳоров қатнаштирилмаганлиги, асоссиз хулосалар чиқарилганлиги, тузилган далолатнома муҳокама қилинмаганлигини баён қилиб, «Хизмат» хусусий фирмаси раҳбари Ю.Аноровга мурожаат қилди. Фирма раҳбари Ю.Аноров 2002 йилнинг 12 февралидаги 18-сонли алоқа хатида (бу хулоса Муборак туман судига тақдим этилган) «Р.Эшманов тузган, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига кўра, раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланмаган бу далолатнома ҳеч қандай юридик оқибат келтира олмаслигини» маълум қилди.

Амалдаги қонунларга кўра, бундай ҳужжат на тергов, на суд жараёнида, балки ширкат учун ҳам бирор-бир асос бўлиб хизмат қила олмайди. Афсуски, эътиборга олинмади. Қашқадарё вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими катта терговчиси Ш.Хуррамов қайта терговни олиб борди ва янги далиллар билан тўлдирилган жиноий иш бу сафар Муборак туман судига юборилди.

Жиноят Кодексининг 167-моддасининг 3-қисми «а» банди, 184-моддасининг 3-қисми, 205-моддасининг 2-қисми «а» ва «в» бандлари билан айбланган Ш.Боборажабов ва бош ҳисобчи Ю.Қаҳҳоров, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди, 207-моддаси 1-қисми билан айбланган ферма мудири А.Олимовларнинг суддаги иши кўпчиликнинг назарида эди. Одамлар нималар бўлаётганини яхши билишарди. Афсуски, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Фақат улар бир нарсадан — суд-ҳуқуқ тизимида адолатли ислоҳотлар кетаётгани, энди судьялар кўрсатма асосида эмас, балки қонунга биноан мустақил фаолият юритишга ўтаётганидан умидвор эдилар. Охири, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг раиси М.Сатторов раислигида 2002 йилнинг 14 декабрида ўтган мажлисда ҳукм чиқарилди. Ферма мудири А.Олимовнинг камомадни тўлагани ҳисобга олиниб, жазо тайинланди. Амнистия ҳақидаги Фармонга кўра, у жазодан озод қилинди.

Ҳукмда жумладан шундай қайд этилди: «Судланувчилар — Ш.Боборажабов ва Ю.Қаҳҳоровлар Ўз.ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 184-моддасининг 3-қисми билан оқлансинлар. Уларнинг айби ЖКнинг 205-моддасининг 2-қисми «а» ва «в» бандларидан — ЖКнинг 208-моддасига қайта малака (квалификация) қилинсин. Ш.Боборажабов ва Ю.Қаҳҳоровларни айблаш ҳақидаги қисми шароит ўзгарганлиги туфайли, мазкур жиноятни содир этишда айбдор эканликлари тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят иши ҳаракатдан тўхататилсин ва улар жавобгарликдан озод қилинсинлар».

«Жавобгарликдан» қонуний тарзда озод этилган Ш.Боборажабов энди ишга тиклаш ҳақида судга қайта мурожаат қилди. Ваҳоланки, судсиз ҳам туман ҳокимининг раҳбарни ишдан бўшатиш ҳақидаги 2001 йил 3 августдаги қарори ва барча хатти-ҳаракатлари қонунга зид эди. Чунки, Ш.Боборажабов ширкат бошқаруви раислигига 3 йил муддатга сайланган бўлиб, унинг масаласи умумий йиғилишда, ўз иштирокида кўриб чиқилиши низомда ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу талаблар қўпол равишда бузилди. 13 августда раисни ишдан бўшатган йиғилиши тўғрисида 2 та «баённома» мавжуд. Бирида ширкат аъзоларининг 71 нафари, иккинчисида эса 98 нафари қатнашди, дея кўрсатилган. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам йиғилишга раислик қилган С.Суюнов ўз имзоси билан тасдиқлаган. Қайсисига ишониш керак? Ширкат аъзоси Р.Ҳасанованинг айтишича, йиғилишга 25-30 киши қатнашган, анча киши «раис ҳисоб берсин, ўзи қолсин, ҳеч бўлмаса, ўзимиздан раис бўлсин» дея талаб қилишган.

Қонун ва ширкат низомига кўра, янги раис ҳам умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан сайланади. Ҳоким ўзи бошида турган ва Ш.Султонов сайланган 27 ноябрдаги йиғилишда 139 ширкат аъзосидан бор-йўғи 6 киши қатнашганлигини бош иқтисодчи Эркин Нарзуллаев номма-ном алоҳида дафтарга ёзиб қўйган экан. Бироқ мажлис баённомасида 105 ширкат аъзоси қатнашганлиги қайд этилган. Ваҳоланки, 71 нафар ширкат аъзоси ушбу йиғилишда қатнашмаганликлари, ундан бехабар бўлганликларини кўрсатиб, судга ариза билан мурожаат қилишди.

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг раиси Н.Имомовнинг раислигида 2003 йил 22 январь кунида ўтган мажлисда барча далиллар чуқур таҳлил қилинди. Туман ҳокимининг қарори ва бошқа қарорлар қонунга зид эканлиги асослаб берилди. Суд Ш.Боборажабовни 2001 йилнинг 3 августидан ўз ишига тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Суд ижрочиси хўжаликка келиб, қарорни эълон қилди. Раис яна иш бошлади. Лекин, у хўжалик аҳволини кўриб, дод деб юборaёзди. Ишлар иддан чиққан, яна қарз ботқоғи...

Минг афсуски, кейинги пайтда Қашқадарё вилоятида бундай нохуш воқеалар кетма-кет юз берди. Вилоятнинг янги ҳокими Н.Зайниев шу йилнинг 26 февралида ўтган фаоллар йиғилишида жумладан шундай деди: «Бир хато иккинчи хатони, бир ўзбошимчалик иккинчи ўзбошимчаликни келтириб чиқаради. Юқоридан белгиланган нотўғри терим графигини, бошқа нотўғри талабларни бажармаган хўжалик раҳбарларини ноқонуний ишдан четлаштириш, умуман, турли тоифадаги раҳбар ва мутахассисларга ҳеч қандай қонунга, ҳатто оддий одоб-ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган муносабатда бўлиш вилоятда авж олиб кетди. Йил давомида айрим хўжалик раҳбарлари икки-уч мартадан, жумладан, Косон туманидаги «Қўнғиртов» хўжалигида раҳбар уч марта алмаштирилди. 2001 йилда вилоят бўйича 86 та, 2002 йилда эса 60 та хўжалик раҳбари алмаштирилган...»

Бу ўринда Косон тумани бежиз тилга олинмаяпти. Чунки икки йил орасида мавжуд 23 та хўжаликдан фақат 2 тасида раҳбар алмашмай қолди, холос. Оқибати нима бўлди? Қатор хўжаликлар оғир аҳволга тушиб қолди. Режани бажарган айрим хўжаликлар ҳам ночорлик ботқоғига ботди. Хўш, бу борада «Қорабайр» нима бўлди? Ўтган йилги мўл-кўлчилик юз берган шароитда режани уддалай олмаган 2 та хўжалик бўлса, биттаси — шу ширкат! 200 гектарга яқин ер шудгор қилинмади. Одамларнинг шахсий садоқатига қараб муомала қилиш, уруғ-аймоқчилик авж олди. Одамларнинг қўли ишдан совиди. Иш ҳақларини олишолмади. Хўжалик гарданида 100 миллион сўмга яқин қарз осилиб турибди...

— Менинг шахсий фикрим шуки, туманда бундай аҳволнинг вужудга келганига, фақат ҳоким айбдор, — дейди «Гулистон» ширкати раиси, туман кенгаши депутати Сайид Ҳусанов. — Мен 14 йилдан ошиқ шу ширкат раиси бўлдим. Иқтисодий фойда билан ишлаяпмиз, бирор йил ҳам режани бажармай қолган йилимиз бўлмаган, қишлоқларни газлаштираяпмиз, одамларимиз ҳамжиҳат. Бироқ, мен ҳам ҳокимимизга ёқмай қолдим. Ноябрь ойида пахта режаси бажарилгач, шифохонага даволаниш учун ётдим. Рухсат ҳам сўраган эдим. Кейин билсам, мени ишдан бўшатишибди. Судга мурожаат қилдим. Фуқаролик ишлари бўйича туман судида ҳоким муовини бўлиб ишлаган Одил Эрқулов яширмай, бор ҳақиқатни гапириб берди. Суд ишимга тиклади. Энди прокурор протест келтираяпти. Нега?.. Тушунаман ҳаммасини... Лекин нима қилай?.. Ўрнимда ишлаётган Парда Қобиловга «ё иш беринг, ё бўшаганим ҳақидаги қарордан кўчирма беринг», деб неча бор мурожаат қилдим. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, ука! Юртбошимизнинг маърузалари босилган газетани кўзимизга суртиб ўқидик. Қанийди, пастдагиларнинг ҳаммаси бунга амал қилишса...

Ҳозир ўзим ҳақимда эмас, Шониёз ҳақида гапирмоқчиман. Биз кўп ишлаган раҳбарлар унинг қолоқ хўжаликни кўтарганига тан бергандик. Шубҳасиз, Шониёз истеъдодли йигит. Қанийди шунақа кадрлар кўпроқ бўлса. Унинг ўз ишига қайтгани — одамларни дунёда адолат борлигига ишонтирди...

Бугун хўжалик аҳли яна енг шимариб ишга киришяпти. Одамлар ўзлари хоҳлаган, хурматлаган раҳбар билан ҳар қандай мушкулотни енгишга тайёр. Буни улар билан бўлган суҳбатларда яққол сездим.

— Ростини айтсам, бошим қотиб қолди, — деди Ш.Боборажабов. — 80 гектар ерни ҳайдаш учун тракторни қарзга ишлатдик. Зиммадаги улкан қарзни сўрайдиган эгалари бор. Миллион-миллион сўм иш ҳақи қачон узилади? Аҳволни яшириш керак эмас, хўжалик ниҳоятда ночор. Қанча ҳаракатлар билан банкротликдан олиб чиққан эдик. Яна аҳволни ўнглаш учун одамларнинг сабр-тоқати етармикан? Мен ҳозир шуни ўйлаяпман.

— Сабр-тоқатимиз етади, раис, — деди Ражаб Ҳасанова қатъий ишонч билан. — Болаларимизни шу ер боқяпти. Бир нарсани билиб қўйинг, уч-тўртта кишидан ташқари ҳеч ким сизнинг бўшашингизни истамаган. Ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшашни, рўзғор тебратишни истайдиганлар сиз билан. Раҳбарга кўп нарса боғлиқ, лекин яхши меҳнат қилмасак, аҳил бўлмасак, рўзғоримизга барака кирмаслигини ҳам биламиз...

Фарзандлари, ўзи ишлаётган ер тақдирини ўйлаган бу оддий қишлоқ аёли ҳақиқатни деб курашди. Унинг содда мулоҳазалари, дала ва кўклам ҳавосидек тоза. У истиқлол қаддини кўтарган аёл ва оналардан биттаси. Агар ҳар қандай етакчини ана шундай беғубор одамлар дадил ҳимоя қилса, қўлласа, ҳақиқатни ким бука олади?

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Нонимизнинг

ГОҲИДА, СИЗГА МАНЗУР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ташқи кўриниши бинойидек нонлар вазни 600 грамм ўрнига 420-500 грамм атрофида тарози босганига нима дейсиз, — дейди хунуби ошган бир харидор. — Фойда олиш учун тадбиркорлик қилаётган бўлса қаддини урсин, қилаверсин, лекин аҳолининг кундалик истеъмол маҳсулотидан уриб қолиш эвазига эмас-да, ахир... Четдан арзон-гаровга келтирган ун ва ўғринча фойдаланаётган электр, газ ҳамда ёқилғилардан қолипли нон ишлаб чиқариб мўмай фойда олаётган «сохта» тадбиркорларнинг олдини оладиган қонун ва тегишли идоралар бор, шекилли...

Харидорнинг куюнганича бор. Баъзи савдо дўконларида «Тошкентнон» уюшмаси корхонаси нони» — деб сотилаётган нонлар аслида уюшма тизимидаги корхоналарга тегишли эмаслиги аён бўлиб қолаяпти. Масалан, Лутфий ва Фарҳод кўчалари чорраҳасидаги 56-уйда жойлашган хусусий тадбиркор Дилшод Абдужабборовга қарашли дўконда вазни ўртача 400-450 грамм, нархи 130 сўмдан сотилаётган нонлар шу дўкон орқасида жойлашган кичик цехда — «Жарочный печь»да тайёрланаётганлиги аниқланди. Лекин цехга нон ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат — «Тошкентнон»дан 1998 йил 16 декабрда олинган 149-сонли рухсатнома муддати тугаганига тўрт йилдан ошиб кетган. «Сертификат нон» АЖдан олинган мувофиқлик сертификатининг муддати ҳам 2000 йилнинг 27 январида тугаган.

Муддати аллақачон ўтган бундай ҳужжатлар билан бугунгача қолипли нон ишлаб чиқариб, бир кунда 2000 та ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда «Тошкентнон» уюшмаси маҳсулоти «ёрлиғи» билан нон сотиб келаётган сохта тадбиркорларга нима дейсиз?

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотининг ва унинг Жўқорғи Кенгесдаги депутатлик гуруҳининг ўтган йилги фаолияти, ХДП Экологик дастурининг бажарилиши ҳамда «Обод маҳалла йили»даги вазифалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон республика партия кенгаши биринчи котиби А.Асанов «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотларининг МК V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

ХДП Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоят кенгашлари пленумларида ҳам сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Уларда ХДП Андижон, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоят кенгашлари биринчи котиблари С.Раҳимов, М.Иномов, Д.Қулматов, С.Аъзамовлар маъруза қилдилар. Тошкент вилоят партия кенгаши пленумида ХДП МК котиби А. Рустамов, Жиззах ва Сирдарёда ўтган пленумларда партия Марказий Кенгаши масъул ходими С.Усмонов сўзга чиқдилар.

Бахмал туман партия кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилиб, Донақул Соатов Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Ҳамза тумани «Қўйлиқ-қурувчи» сайлов округида жойлашган 10 та маҳалла худудий партия ташкилотлари вакилларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби Ш.Файзиев партия тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан маъруза қилди. Музокарада иштирок этганлар ушбу худудий партия ташкилотларининг партиядан сайланган депутатлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари юзасидан аниқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Бешариқ туманидаги Йигитали Мелиев номли ширкат хўжалиги партия ташкилоти негизида ўтказилган семинар-кенгаш туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда партия ташкилотлари ҳамда фаоллари олдидаги вазифалар, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланди.

Наманган шаҳар, Уйчи туман партия кенгашлари МК V пленумининг қарорларини бажариш юзасидан жойларда тадбирлар ўтказдилар.

Қадоқлаш линияси

Навоий «Электрокимё» заводида янги қадоқлаш линияси ишга туширилди. Германиянинг «Шмит» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган бу янги линия заводда ишлаб чиқарилаётган ҳамма минерал ўғитларни турлича қилиб қадоқлайди. Бу эса деҳқон-фермерлар учун катта имконият туғдирди. Айни кезда бунга нафақат навоийлик пахтакорлар, соҳибкорлар, балки қўшни Бухоро, Самарқанд вилоятларидан ҳам агросаноат тизими мутасаддилари буюртма беришмоқда.

— Илгари ноқулай, катта бочкаларга солиб чиқариларди, — дейди корхона директори Бахтиёр Ботиров. — Бу эса деҳқонларга ноқулайлик туғдирарди. Энди бўлса 3,5, 10 килограммлик қилиб идишларга қадоқлашимиз кимёвий дориларнинг қўлмақўл бўлишини таъминлади.

Музаффар ШАРОПОВ

чиройи ва мазаси

БЎЛМАЁТГАН БЎЛСА САБАБИ НИМАДА, БИЛАСИЗМИ?

Яқинда «Тошкентнон» уюшмаси ва «Ўзстандарт» маркази ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган текшириш (рейд) давомида «Аския» бозори дарвозаси кираверишидаги «Абдуқаҳҳоров» МЧЖ нон дўконида икки хил нон бир хил нархда сотилаётганлиги кузатилди. Биринчи навли ундан тайёрланган ва вазни 600 грамм, нархи 110 сўмлик бу икки хил нонлардан бири — «Ўрама кулча» МЧЖ маҳсулоти, иккинчиси — номаълум жойдан бўлиб чиқди. Чунки, сотувчи Ё.Рўзимбоев унинг ҳужжатини кўрсата олмади. Дўконда на назорат-касса аппарати, на назорат тарозиси бор...

Мазкур бозор ҳудудидаги «Гулшан» кафесига қарашли нон ишлаб чиқариш цехи хизматчилари цех бошлиғи С.Муҳиддиновнинг йўқлигини баҳона қилиб, рейд аъзоларининг ичкарига киришларига имкон беришмади. Ҳолбуки, унинг олдида сотувчи Д.Абдуолимова цехнинг икки турдаги маҳсулотини «пуллаб» турганди. Бири — биринчи навли ундан пиширилган, вазни 600 грамм, нархи 110 сўмлик бўлиб, иккинчиси — олий навли ундан тайёрланган ва вазни 500 грамм, нархи 140 сўмлик қолипли нонлар эди. Сотувчи назорат-касса аппаратисиз савдо қилаётганлиги сабабли 600 граммли бир дона нон сотиб олинганда, чек олиш имкони бўлмади. Ваҳоланки, нонинг вазни ҳам 420 граммдан ошмади. Қолаверса, бу ерда нон ишлаб чиқаришга рухсат берувчи ҳужжатлар ўрнига фалов (Ц-5, 69-уй) олий навли ундан ишлаб чиқарган 400 грамм, нархи 120 сўмлик нонни ўзига қарашли очиқ савдо шахобчасида катта миқдорда (460 дона) пуллаётгани ҳам аниқланди. Айни шу жойда хусусий тадбиркор Баҳодир Зуфаров тадбиркор А.Зокировга тегишли олий навли, 500 граммли, нархи 140 сўмдан бўлган, («накладной №8, 19 март 2003 йил) 450 дона нонни яна бошқа бир неча нафар тадбиркорларга сотаётганида ушланди. Ўзларини «тадбиркор» деб таништирган ўша бир неча нафар «ишбилармон» — Набиходжаев, Зуфаров, Нурматов нон сотишга берилган ҳужжат ўрнига уюшманинг «Нон Азиз» корхонаси «накладной»ини кўрсатганликларини нима деб баҳолайсиз?

Бундай мисолларни пойтахтимизнинг ТТЗ деҳқон бозорига кириш жойидаги «Хусусий тадбиркор Аҳмаджон хожи»га тегишли кичик нон цехи, Мирзо Улуғбек туманидаги Хусусий тадбиркор Низомовнинг «Арзанда» хусусий корхонаси, Қора-қамиш 1/2 мавзесидаги (Шамсиддинов кўчаси 5-уй) «Хусусий тадбиркор Расулов»га тегишли дўкон, Қўйлиқ бозорида «Хусусий тадбиркор Жунаев» тасарруфидаги нон савдоси расталаридан ҳам келтириш мумкин. Қорақамишлик Расуловнинг савдо растаси тепасида «Сағбон нон» деган ёзув турган бўлса-да, тадбиркорнинг «Сағбон нон» корхонаси билан ҳеч қандай шартномаси йўқ. Қўйлиқлик Жунаев эса «Жарочный печ»да пиширилган нонларни «Қўйлиқ ота нон» корхонаси «накладной»и билан сотиб ётибди. Боз устига, нонлар вазни 435-450 грамм атрофида, холос.

Қўйлиқ бозорида жойлашган «Марҳабо Олимжон» МЧЖ дўконида ҳам шу манзара: олий навли ундан таёрланган, вазни 550 граммлик қолипли нонлар «Сафо Бахт» корхонаси «накладнойи» (003283-рақамли йўл варақаси) орқали келтирилган 600 граммли 1-навли нон билан аралаш сотилаётгани маълум бўлди. Ваҳоланки, бу нонлар икки хил печда пиширилган ва икки хил вазнда бўлса-да, бир хил нархда пуллаб келинган. Текширилган 15 та шундай нон савдоси шахобчаларида қолипли нон ишлаб чиқариш жараёнлари ГОСТ 27842-88 талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аниқланди.

Қисқа қилиб айтганда, охирги пайтларда нон ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган тадбиркорлар ёқилғи ва электр энергияларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда Қозоғистон ва бошқа давлатлардан ҳар хил йўллар билан келтирилган ун хомашёсидан меъёрий талабларга мос келмайдиган нон (айниқса, қолипли нон) ишлаб чиқаришга ружу қўймоқдалар. Бу ҳол ўз навбатида «Тошкентнон» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига, аниқроғи, унинг нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана, Сизга, ҳар куни тановвул қиладиган бебаҳо неъмат — нонимизнинг сифати, мазаси ва миқдори агар дидингизга мос келмаётган бўлса, сабаблари нимада унинг!

Тўғри, Тошкент шаҳрида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши борасида юз бераётган бундай муаммоларни ҳал этишда шаҳар ҳокимияти ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси иштирокида қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Лекин, бундай ҳоллар айни кунларда нафақат пойтахтда, балки бошқа вилоятларда ҳам учрамоқда, ҳатто макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сохта тадбиркорлар кўпаймоқда.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Умиджон САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

Намунали хизмат — тадбиркорга мадад, тармоққа — қанот

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»НИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДАГИЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Банк бошқармасида одам кўп. Улар вилоятнинг турли бурчакларидан келишган. Ниятлари ҳам турлича. Кимдир фермер хўжалиги очмоқчи, кимдир гўштни ёки сутни қайта ишлайдиган цех қурмоқчи... Хуллас банкдан кредит олишмоқчи. Айримлари эса ишлаб чиқаришдан олган соф даромади эвазига олган қарзини қайтармоқчи.

— Мен хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганимга бир йил бўлди, — дея сўз бошлади ўзини Тошпўлат Абдураҳимов деб таништирган йигит. — Маълумки, вилоятимизда чорвадорлар гўшт маҳсулотларини кўплаб етиштиришяпти. Лекин уни қайта ишлаш, бозорга тайёр маҳсулот етказиб беришда орқада қолиняпти. Шу боис, ўтган йили банкдан 3 миллион 700 минг сўм кредит олиб, гўштни қайта ишлайдиган цех қурдим. Ҳозир сифатли, элга манзур колбаса ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Жиззахлик Раимжоновнинг ҳам гапига қулоқ тутинг:

— Гўштни қайта ишлаш цехи очиш учун «Пахта банк»дан бир миллион 900 минг сўм имтиёзли қарз олгандим. Ҳозир ишим юришиб кетди... Чунки цехни ўз ҳовлимизда очдик. Бола-чақамиз билан ишлаяпмиз...

— Санитария ҳолати қандай?

— Ҳамма қоидаларга риоя қиляпмиз. Маҳсулотларимиз харидоргир.

— Даромад-чи?

— Қисқа муддат ичида 800 минг сўмлик сифатли колбаса ва бошқа хил гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариб, шаҳар аҳолисига арзон баҳоларда сотдик. Банкдан олган қарзимизнинг бир қисмидан қутулдик ҳам.

1

Швеция ва Дания етакчи

IBM компанияси ва Буюк Британиянинг Economist журнали мутахассислари дунё давлатларининг Интернетдан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқдилар. Унга кўра, етакчилик Швеция билан Данияга насиб этди. Бу борада авваллари АҚШ биринчи эди.

Reuters агентлиги хабар беришича, таҳлиллар 10 баллик тизимда 60 та давлатда ўтказилди. Швеция 8,67 балли кўрсаткичга эга бўлди. Кейинги ўринларни Дания, АҚШ, Нидерландия ва Буюк Британия эгаллади. Ғарбий Европа, Шимолий Америкадаги мамлакатлар ва Австралияда Интернетдан фойдаланиш коэффициенти деярли бир хил экан.

Юқори ўринларни «ишғол» этган 15 давлат таркибидан Франция, Италия, Бельгия, Янги Зеландия ва Тайван сингари давлатлар жой ололмади. Уларга қараганда Жанубий Кореяда бу борада ривожланиш сезиларли бўлиб, 21-ўриндан 16-ўринга чиқиб олди.

Чора кўрилаётганига қарамай

Нидерландиянинг марказий музофоти — Гелдерландда «парранда гриппи» авжга чиққани сабабли товуқ фабрикалари бўшаб қолди, дейилади АНП агентлиги ахборотида. Эндиликда бу вирус мамлакат жанубидаги Шимолий Брабант музофотига ҳам тарқалмоқда.

Ветеринарларни ажаблантиргани шуки, Гелдерландда эпидемияга қарши курашиш учун барча фабрикалардаги товуқлар йўқ қилинган ва 1 километр радиусда дезинфекция ишлари олиб борилган бўлишига қарамай, кутилмаган жойларда вирус тарқалмоқда.

Касаллик тарқамасдан аввал 3 мингта паррандачилик фермасида 100 миллионта товуқ бор эди. Ҳозир уларнинг 10 фоизи йўқ қилинган.

Шимолий Брабантдаги 700 та паррандачилик фермасида 50 миллионта товуқ бор. Агар эпидемияни тўхтатиб қолишнинг иложи бўлмаса, демак, уларнинг ҳам баҳридан ўтилади.

Зарарланган ҳудудларда истеъмолга яроқсиз бўлган тухумлар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетди.

Голландия иқтисодчилари келгуси йили мамлакатда товуқ гўшти ва тухумининг нархи кескин кўтарилишини башорат қилмоқдалар.

● ТАФСИЛОТ

ИРОҚ: вазият қандай?

БУ ҲАҚДА ЖАҲОН АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«НОВОСТИ». Америка денгиз пиёдалари Бағдоднинг шарқий қисмида жойлашган Ироқ армиясининг ҳарбий базаси — «Рашид» ҳарбий аэропортини эгалладилар.

Араб ҳарбий экспертларининг фикрича, Ироқ армияси Бағдоддаги иккинчи ва охирги аэропортни ҳам қўлдан бой берди. Ҳатто уни эвакуация қилишга ҳам улгура олмади.

REUTERS. Британия ҳарбийлари Ироқ шайхларидан бири билан музокаралар олиб бориб, унга Басрада муваққат фуқаролик маъмурияти вазифасини бажарадиган қўмита тузиш ва уни бошқаришни топширди.

Британия армиясининг полковниги Крис Верноннинг айтишича, иттифоқчилар қўмондонлигига шайхнинг ўзи мурожаат этган. Унинг исми ҳозирча ошкор этилмаяпти.

Полковник яна шуни қайд этдики, Британия қўмондонлиги Басрада жамоат тартибини сақлаш вазифасини маҳаллий полицияга топширишни кўзлаб турибди. «Бу Югославия эмас, Афғонистон ҳам эмас. Басра маҳаллий фуқаро инфраструктураси фаолияти сақланиб қолган шаҳардир» деди у.

Басрада жиддий қаршилик кўрсатувчи кучлар ҳали бор, назоратни бутунлай қўлга олиш ва таъминлаш учун яна бир неча кун керак бўлади. Яқин кунларда маҳаллий полиция жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланади. Ҳозирча шаҳарда аҳоли томонидан ўғирликлар содир этилиши давом этмоқда.

Эслатиб ўтамиз: Британия қўмондонлиги Басра эгаллаганлиги ҳақида душанба куни маълум қилган эди. Британия армиясининг 7-бронетанк бригадаси подполковниги Хью Блэкмэннинг айтишича, шаҳарнинг барча туманлари ишғол этилган, шунингдек, тарихий маркази ҳам. Ҳозир 4 минг ҳарбий, 200 та танк ва юзлаб бронетранспортёрлар шаҳарни кўриқлаб турибди.

THE TIMES ГАЗЕТАСИ. Бағдод эгалланганидан сўнг коалиция кучларининг асосий эътибори Саддам Ҳусайн туғилган юрт — Тикритга қаратилиши мумкин. Разведка маълумотларига кўра, Тикрит сиёсий ва ҳарбий салоҳиятга эга шаҳарлардан. Бу ерда оммавий қирғин қуроллари сақланаётган бўлиши ҳам мумкин. Бағдоддан 180 километр узоқликда жойлашган бу шаҳарда замонавий тизимга эга бўлган бункерлар, туннеллар кўп.

IRNA. Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари Ироқ телевидениесида эфирга чиқишлари учун Пентагон уч кун муҳлат берди. Акс ҳолда Ироқ Президенти ўлган, дея эълон қилинади ва мамлакатда муваққат ҳукумат таркибини тузишга киришилади.

«АЛ-ИТТИҲОД» ГАЗЕТАСИ. Бирлашган Араб Амирликларида чоп этиладиган мазкур нашр хабарига кўра, АҚШ Ироқнинг янги валютасини босмадан чиқарди. Маълумотларга қараганда, Ироқнинг Швейцарияда чоп этилган динорлари — 20 ва 50 талик банкнотлари янги валюта муомалага киритилгунча амалда бўлиб туради. Бу банкнотлар 1993 йили Ироқ ҳукумати томонидан бекор қилинган ва Саддам Ҳусайн сурати туширилган янги валюта билан алмаштирилган эди. Бироқ от сурати акс эттирилган ўша банкнотлар курдлар партияси назоратидаги Ироқ шимолининг учта музофотида амалда ишлатиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу валютанинг баҳоси ортади деган умидда сўнгги пайтларда Иордания банклари томонидан кўплаб сотиб олинган. Ироқда уруш бошлангандан сўнг Иорданияда 1 минг динор 12 дан 36 долларга кўтарилиб кетди, Саддам сурати туширилган банкнотлар қадри эса тушиб кетди, яъни 3,3 минг динор — 1 доллар бўлиб қолди.

BBC NEWS ТЕЛЕКАНАЛИ. Ироқ радиоси ва телевидениеси ўз эшиттириш ва кўрсатувларини тўхтатди. Сешанба куни радио ва телевидениеда фақат ватанпарварлик руҳидаги куй ва қўшиқлар янгради. Телевидение Саддам Ҳусайн ҳақидаги эски видеокўрсатувларни намойиш этди. Одатдаги янгилик ва ахборотлар эфирга узатилмади. Радио ҳам, телевидение ҳам фаолиятини тўхтатганлиги сабаблари ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

BBC. Британиянинг мазкур телерадиокомпанияси хабар беришича, АҚШ денгиз пиёда аскарлари Бағдодда Ироқ Президентининг учта саройини эгалладилар.

AP. АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфельд матбуот анжуманида журналистларга маълум қилишича, Саддам Ҳусайн «Ироқнинг катта қисми назоратини қўлдан бой берди. Қамал торайиб бормоқда. У ҳукмронлигидаги ҳудудлар камайгандан-камаймоқда». Рамсфельднинг айтишича, ғалаба Саддам Ҳусайн тақдирига, яъни унинг асирга тушиши ёки ўлимига боғлиқ эмас. Ҳукуматнинг заифлашуви янги тузум ўрнатилишини тақозо этади.

«Тўлиқ ғалаба ҳақида гапиришга ҳали эрта. Яна бир оз вақт керак» деди у.

«НОВОСТИ». Ироқ халқига инсонпарварлик ёрдами бериш жараёнида Россия ҳам қатнашишини мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Алексей Гордеев маълум қилди. Ҳозир Ироқ портларидан бирида буғдой ортилган Россия кемаси турибди.

Ярим йил ичида Россия Ироқ халқига 500 минг тонна буғдой жўнатишни мўлжалламоқда.

ASSOCIATED PRESS. Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун Президент Буш АҚШ Конгрессидан 74,7 миллиард доллар маблағ ажратишни сўраган эди. Яқинда Конгресснинг вакиллар палатаси Президентнинг ушбу мурожаатини қаноатлантирди. Конгресс 80 миллиард доллар ажратди. Бу маблағ Ироқдаги ҳарбий операцияларда иштирок этаётган Америка армияси эҳтиёжларига, шунингдек, антитеррор фаолияти учун иттифоқчиларга ҳамда оғир кунларни бошидан кечирган авиакомпанияларга сарфланади.

Конгресс, шунингдек, коалициянинг Ироқдаги ҳарбий операцияларида фаол қатнашгани учун Туркияга мукофот сифатида 1 миллиард долларга яқин маблағ ажратиш ҳақидаги Оқ уй қарорини ҳам қўллаб-қуватлади.

Алимқул СУЛТОН тайёрлади

Бизнинг изоҳ: бошқарма бўйича 2003 йилнинг 1 январига қадар тадбиркорлик субъекти вакилларига жами 2894,6 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Ўтган 2002 йил мобайнида 1850,6 млн. сўм маблағ берилди. Банк ўз маблағлари ҳисобидан 1714,1 млн. сўм, «Бизнес-фонд» кредит жамғармасидан 50,1 млн. сўм, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кредит жамғармасидан 83,3 млн. сўм, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларидан 3 млн. сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 1447,2 млн. сўми деҳқон ва фермер хўжаликларига, хусусий тадбиркорларга микрокредит сифатида берилган.

Бундан ташқари жами ажратилган кредитлардан 420,2 млн. сўми банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, шундан 150 млн. сўми республика «Пахта банк»и имтиёзли кредитлаш жамғармасининг ресурси ҳисобидан берилди.

Булар асосан деҳқон ва фермер хўжаликларига ғалла ва пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб, давлатга топширишда ишлатиладиган энг зарур қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар учун ажратилган. Яъни, 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра 1850,6 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 2 баробарга кўпайди.

Бошқарма томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини самарали ташкил этиш ва кенгайтиришда катта омил бўлмоқда. «Пахта банк» бўлимларининг асосий мижозлари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхоналар ва фермер хўжаликлари бўлганлиги сабабли берилган кредитнинг асосий қисми ушбу соҳага тўғри келади ва у молиявий жиҳатдан 2089,9 млн. сўмни ташкил этади.

Ажратилган кредит маблағлари самараси ўлароқ аҳолига 560,0 млн. сўмлик сифатли гўшт, сут, тухум етказиб берилди. Боз устига вилоятда мингга яқин янги иш ўринлари яратилиб, кўплаб аҳоли иш билан таъминланди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун ажратилган кредитлар эвазига 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги шиналари, 150 га яқин культиваторлар, сеялкалар ва зарур эҳтиёт қисмлари сотиб олинди. 160 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва 3090 та фермер хўжаликларига ҳамда 1639 та кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилиб, хўжаликларнинг молиявий фаолияти бўйича мониторинг ўрнатилди. Вақтида керакли молиявий маслаҳатлар ҳам берилмоқда.

Энг муҳими, фермер хўжаликлари эндиликда четдан техника воситаларини жалб этмаган ҳолда ўз воситалари ёрдамида ҳосил етиштирмоқдалар. Бу ҳосил таннархининг камайишига ва олинадиган даромаднинг кўпайишига олиб келаяпти. Кредит ҳисобига олинган қишлоқ хўжалиги техникалари нафақат фермер хўжалиги ерларига, балки қўшни хўжаликлар ерларига ишлов беришда ҳам ишлатилаётир. Ушбу кредитлар ҳисобидан 30 та трактор, 150 тадан зиёд культиватор ва сеялкалар, 200 дан зиёд шина сотиб олинди.

Бундан ташқари ажратилган кредитларга 2010 бош қорамол ва 2150 бош қўйэчки сотиб олинган бўлса, ҳозирги кунга келиб улардан олинган маҳсулотлар қайта ишлангач, 102,5 тонна гўшт ва 80,8 тонна сут маҳсулотлари болалар боғчаларига етказиб берилди ва аҳолига сотилди. «Пахта банк» бўлимларининг асосий мижозлари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхоналар бўлганлиги учун ҳам берилган кредитларнинг асосий қисми фермерларга берилди ва уларнинг сони 2429 тага етди.

2

— Берилаётган кредитлардан банкка келаётган наф ҳақида ҳам... Шароитлар...

— Кредитлар қисқа муддатдаёқ самара бераяпти, — дейди **банк бошқарувчиси Зокир ҲОШИМОВ**. — Тадбиркорлар ишлаб чиқаришни ривожлантириб, олинган даромад ҳисобига муддатидан олдин қарийб 12,0 млн. сўм асосий кредитларни қайтариб бўлишди.

Масалан, Арнасой туманидаги «Баҳор» хусусий фирмаси тикувчиликни ривожлантириш мақсадида банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан 3,0 млн. сўм қарз олувди. Кейин фирма туман марказида цех очиб, 8 та хотин-қизни иш билан таъминлади. Ҳозир яна 5 та янги ишчи ўрни ташкил этиш арафасида. Фирма бугун 600 минг сўмлик тайёр махсус кийимлар ва совға ғиламлари тўқиб чиқармоқда. Улар шартнома асосида туман ташкилотлари ва аҳолига ҳам сотилаяпти.

Зарбдор тумани «Севинч» фермер хўжалиги ҳам банкдан 1500 минг сўм кредит олиб чорвачилик билан шуғулланди. Ҳозиргача тумандаги «Олтин бошоқ» болалар боғчасига 538 минг сўмлик сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириб берди. Олинган фойда ҳисобига банк кредит фоизи ва кредитнинг асосий қисми муддатидан олдин сўндирилди.

Банк хизмати сифатини ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида «мини банклар» очиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Зомин туманидаги «Ғалаба», Зафаробод туманидаги С.Раҳимов номли хўжаликлар ҳудудида шундай банклар очилиб, улар хўжаликлар ҳудудида жойлашган фермер хўжаликларига банк хизмати кўрсатмоқда. Арнасой тумани марказидан 45 км. узоқликда жойлашган «Самарқанд» хўжалиги ҳудудидаги мини банк фаолиятидан эл-улус хурсанд. Шунингдек, Зарбдор тумани «Шарқ Юлдузи» хўжалиги ҳудудида жойлашган мини банк бўлими ҳам мижозлар хизматида. Бюджетдан ташқари фондлардан 46,2 млн. сўм дастлабки бошланғич сармояни шакллантириш учун улар 31 та фермер хўжаликларига ажратилди. Ажратилган бу кредитлар эвазига фермер хўжаликлари эҳтиёт қисмлар ва уруғлик маҳсулотлари ҳамда чорва моллари сотиб олишди.

Бизнинг якун: «Пахта банк» бошқармасида тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар устидан доимий мониторинг ўрнатилган. Ҳар ойда кредит ҳисобига олинган чорва моллари, паррандалар, техника воситалари, ёнилғи-мойлаш асбоблари ва эҳтиёт қисмларнинг ҳолати тўғрисида таҳлил олиб борилади. Берилган кредитлар устидан назорат янги-янги корхоналар очишга, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади, умуммиллий иқтисодиётимиз шунчалик тез ривожланади. Намунали банк хизмати — фермер ва тадбиркорга мадад, қишлоқ хўжалигига қанот, импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотларни ўзимизда ҳам кўпайтиришда шубҳасиз муҳим омилдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

3

Газетанинг 5 апрель сонида эълон қилинган «Besh yog'och universal bozori» ОАЖ акциядорларининг умумий мажлисида қабул қилинган қарорнинг 4.1. бандидаги 2% рақами 20% деб ўқилсин.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Таълим ва муаллим

Ислом КАРИМОВ:
— Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти...

— Юртбошимизнинг бу сўзларини ҳар гал ўқиганимда, — деб ҳикоя қилади Андижон вилояти, Балиқчи туман халқ таълими бўлими мудири Анваржон Алибоев, — хаёлимга аллома Ал-Бухорийнинг «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай» ёки Абдулла Авлонийнинг «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир». деган сўзлари келаверади. Чунки, бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, касб-кори ва маданияти билан ҳар томонлама танишиб, миллатни, ўлкани фақат илм чироғи билангина оламга танитиш мумкинлигини чуқур англаганлар. Шу сабабли ҳам улар юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришга ҳам амалий, ҳам назарий кўмак берганлар.

Мустақиллик йиллари Президентимиз Ислом Каримов мактаб-маориф ривожи масаласини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга чорлади...

Мудир мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Соғлом авлод» дастурининг ижроси йўлида туман мактабларида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Дарҳақиқат бугунги кунда мактабларда ўқитишнинг янгича амалиётларига ўтилди. Эскича усуллардан бутунлай воз кечилди. Боиси, илгари ўқувчи дарсда фаол иштирок этолмасди. Ўқитувчи билан бевосита мулоқотга киришолмасди. Энди эса дарснинг янгича услубида, яъни дарсларнинг мулоқот тарзида ўтказилишида ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам фаоллиги ошди. Ўқувчилар талабчан, қизиқувчан бўлиб бораяпти. Ўқитувчи эса шу талаб ва шу қизиқувга яраша дарсга тайёргарлик кўришга одатланаяпти. Бу — ҳаёт тақозоси.

— ...Туманимизда 37140 нафар ўғил-қиз 36 та умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олмоқда, — дейди А.Алибоев. — Уларнинг илм олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. 26 та компьютер, 28 мингдан зиёд нусхадаги бадиий адабиётлар фондига эга 56 та кутубхона улар ихтиёрида. Ўқув тўгаракларидан ташқари 3 та ижодий марказ, 2 та спорт мактаби, 2 та ўйингоҳ ишлаб турибди... Истасангиз, ҳозир уларнинг ҳар бирига бориб кўришингиз мумкин... 3 та таянч таълим муассасамиз бор. 5-гимназиямиз билан 37-ўрта мактабимизни илғор технологиялар ўқув масканлари сифатида жиҳозлаганмиз. «Илғор педагогик технология — ҳаётга» мавзуидаги ўқув-семинарларимиз шу даргоҳларда ўтказилади.

— Муаллимлар касб-маҳоратини ошириш қандай бўлаяпти? Улар ҳам замон талабига мос мутахассислар бўлиши керак-ку.

— Кўпчилик ўқитувчиларимиз Америка, Франция, Германия сингари хорижий мамлакатларда тажриба олиб келишган. Масалан, Иқбол Жалилов, Фароғат Умарова, Ҳабиба Мамадалиева, Иброҳим Дарвешов, Искандар Асқаров...

Яқинда тумандаги ўқув даргоҳлари яна биттага кўпайди. Чинобод гимназия-интернати фаолият бошлади. 7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, мослаштирилган мазкур масканга салкам 10 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари олинди.

— Иқтисодиёт, ҳуқуқ ва инглиз тилига йўналтирилган гимназия-интернатимизга, — дейди директор Ш. Шаробиддинов, — ҳозирча 7-11 синф ўқувчиларидан қабул қилдик. Кейинчалик кичик синфлардан қабул қилишни мўлжаллаб турибмиз... Шунингдек, биз эндиликда анъанавий дарслардан ташқари ноанъанавий дарслар ўтишни ҳам бошладик. Жумладан, Миллий истиқлол ғояси, Ватан ва ватанпарварлик ёки чет эл мактабларида ўқиш-ўқитиш жараёнларининг услубий афзалликлари сингари ноанъанавий дарслар ўқувчилар дунёқарашининг чуқурлашувида ижобий натижалар бермоқда.

Одилжон ЖЎРАЕВ

ТЕННИС

Ўзбекистон вакили — мусобақа ғолиби

Мумбайда теннис бўйича аёллар ўртасидаги мусобақалар ўтган шанба куни ниҳоясига етди. Қувонарли жиҳати шундаки, у ўзбекистонлик теннис устаси Ақгул Аманмуродованинг ғалабаси билан якунланди.

Бир ҳафта давомидаги беллашувлар чоғида мамлакатимиз вакили ўз маҳоратини муносиб равишда намойиш этган ҳолда сўнгги ҳал қилувчи босқичга йўлланма олган эди. Ақгул Аманмуродова ҳамда ҳиндистонлик теннис устаси Рушми Чакраварти ўртасида бўлиб ўтган ушбу ҳал қилувчи ўйинда мамлакатимиз вакили рақиби устидан 6-4, 3-6, 7-5 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақа мукофоти 10 минг АҚШ долларини ташкил этади. У Ҳиндистон Крикет клуби — Халқаро Теннис федерацияси томонидан таъсис этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз вакилининг ушбу муваффақияти Ўзбекистонда спортнинг жадал ривожланиб бораётганидан ва унинг мантиқий давоми сифатида ёш иқтидорли спорт усталари етишиб чиқаётганлигига гувоҳлик беради.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА. Дехли.

ФУТБОЛ

«Бек Теро» — «Пахтакор» — 3:1

Кеча Осиё чемпионлари лигаси ярим финал баҳсларининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» футболчилари Бангкокда «Бек Теро Сасана» жамоаси меҳмони бўлди.

Мазкур учрашув пахтакорчилар таркибида бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатиб берди. Айниқса, ярим ҳимоя ва ҳимоя чизиқларидаги палапартишлик, тўп узатишдаги ноаниқликлар «Пахтакор» учун қимматга тушди. Ярим финалнинг дастлабки учрашувини ишончли ва ҳужумкор рухда ўтказган таиландликлар ғалаба қозонди — 3:1. Пахтакорчилардан ягона тўпни Анваржон Солиев киритди.

Хўш, ҳамюртларимиз ОЧЛнинг финалига чиқа оладими? Бу саволга 22 апрелда Тошкентда ўтадиган «Пахтакор» — «Бек Теро Сасана» учрашувидан сўнг жавоб оламиз.

Ярим финалнинг иккинчи баҳсида «Ал-Айн» (БАА) — «Далян Шайд» (Хитой) жамоалари ўзаро куч синашди.

Ўзбекистон кубоги: қуръа ташланди

8 апрель куни ўтказилган «Қўқон-1912» — «Бухоро» жамоалари учрашуви билан 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги нимчорак финал баҳслари поёнига етди. Ушбу босқичнинг илк ўйинида 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган бухороликлар бу гал ҳам муваффақиятли тўп суришди.

Учрашув меҳмонларнинг тўла устунлигида ўтиб, «Қўқон-1912» жамоаси яна ўз ишқибозларини ранжитди — 2:3. Тўпларни Р.Иноғомов, М.Абдувалиев («Қўқон-1912»), Э.Қурбонов, Э.Қосимов ҳамда И.Иномов («Бухоро»)лар киритди.

Нимчорак баҳсларининг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Дўстлик» — «Нефтчи» — 1:2 (биринчи учрашув — 0:3), «Насаф» — «Самарқанд-Д» — 3:0(0:1), «Қизилқум» — «Навбаҳор» — 1:0(2:4), «Металлург» — «Сурхон» — 3:1(0:3), «Сўғдиёна» — «Зарафшон» — 4:1(3:1), «NBU-Осиё» — «Машъал» — 0:0(1:7).

«Қува» жамоаси иқтисодий муаммолар туфайли мусобақалардан чиқиб кетганлиги боис, «Пахтакор» футболчилари навбатдаги босқичга тўғридан-тўғри йўлланма олди. Кеча эса Ўзбекистон футбол федерациясида чорак финал ўйинларига қуръа ташланди. Унга кўра, «Нефтчи» — «Насаф», «Сурхон» — «Машъал», «Бухоро» — «Навбаҳор», «Пахтакор» — «Сўғдиёна» жамоалари ўзаро уй-сафар тизими асосида ярим финалчиларни аниқлашади. «Пахтакор» — «Сўғдиёна» жамоалари ўртасидаги дастлабки ўйин 3 майга белгиланди. Қолган учрашувлар эса 10 ва 24 май кунлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бор товоғим, кел товоғим, қайтишингда қуруқ бўлсанг, ўрта йўлда син товоғим

Вар.: «Олинг қуда, беринг қуда. Олмасангиз, бермасангиз, ўлинг қуда!» Бу ҳар иккала мақол ҳам асосан қудаларга тааллуқлидир. Одати-қадимага кўра, қудалар бирорталариникида бир воқеа (тўй, зиёфат, туғулиқ ва ҳ.к.) бўлса, бир-бирларини тансиқ таомлар, саруполар, совғалар билан йўқлайдилар. Шунда қуда томондан овқат (ё бошқа нарса) олиб келинган тоғорага (ё бошқа идишга) бу томондан ҳам бирор нарса солиб, қайтариб юборадилар. Мазкур мақоллар билан: «Қуданг сени сийлаб шунча нарса бериб юборибдими, сен ҳам уни сийла, тоғора ва идишини бўш қайтарма. Кези келиб уникида бирор воқеа бўлиб қолса, сен ҳам уни бирор тансиқ таом қилиб, сарупо ва совғалар билан йўқла. Акс ҳолда қуда-андачилик бўшашади, икки орадаги илиқ муносабатлар совийди, бора-бора гина-кудурат, аразлашлар бошланади», дейилмоқчи. Юқоридаги мақолларни шу хилдаги лозимандалар қилавериб, жонига текканлар киноя тарзида ҳам айтадилар.

Борга — баковул, йўққа — ясовул

(Баковул — хон дастурхончиси. Ясовул — амалдорлар югурдаги, уларни қўриқлаб юрувчи киши). Мазкур мақолни бой ва амалдорларга лаганбардорлик қилувчи, уларнинг атрофида «думини ликиллатиб» юрувчи, харом томоғини тўйғазиш умидида уларнинг ҳар бир буйруғини бажо келтирувчи, камбағал йўқсилларни эса назар-писанд қилмай, ясовул каби «нари тур, бери тур!» деб ҳайдовчи, уларга бирон-бир яхшиликни раво кўрмовчи ярамас шахсларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаганлар.

Босган изинг орқангда қолсин

Кишининг босган изи орқада қолиши табиий ҳол. Мазкур мақолни оғир аҳволга тушган, қийналаётган, бошидан мушкул аҳволни кечираётган одамга: «Бу кўрган оғир кунларинг орқангда қолсин, қайтиб келмасин, келажагинг порлоқ бўлсин!» деган маънода тасалли берганда айтилади.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

Жанжалли жойдан барака қочади

Айтадиларки, қиёмат куни инсоннинг яхши-ёмон амаллари ҳисоб-китоб қилинаётганда жондек қариндошидан эмас, қўшнисидан сўралар экан. Афсуски, буни англамаётганлар, тўғриғоғи англашни ҳам истамаётганлар шунчаки авом одамлар эмас, икки каттагина ташкилотнинг раҳбарлари...

Ушбу адоватли низонинг келиб чиқиши... Денов нефть базаси директори вазифасига Ж. Мирзаев тавсия этилганди. Бироқ, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ушбу номзодни маъқулламади. Билъакс, Жалолиддин Қосимовни директор вазифасини бажарувчи этиб тайинлаш ҳақида буйруқ чиқарди. Хуллас, барча ғавғо ўша пайтдан — 2001 йилнинг декабрь ойидан бошланди. Ўша кундан буён Ж.Мирзаев ён қўшнисининг устидан Термизу Тошкентдаги мутасадди идораларга пайдар-пай шикоятлар ёзаверди. Шикоятлар ўнлаб маротаба текширилсада тасдиқланмаяпти, фақат бу ерда ишлаётганларнинг асабларини қақшатмоқда.

Ўша аризалардан бирини «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг бош мутахассиси А.Қаюмов раҳбарлигидаги тафтишчилар нақ ўн кун текширишди.

Бу ёз-ёзлар, текшир-текширлар иккала қўшнининг адоватига сира алоқаси бўлмаган жамоа аъзоларини ҳам беҳад чарчатиб юборди. Одамларнинг ишдан кўнглини совутиб қўйди. Ниҳоят, Тошкентдан келган тафтишчиларнинг ўн кунлик текшируви «Шикоят хатида келтирилган фактлар тасдиқланмади», деган хулоса билан якунланди. Жума ака шунча кишининг вақтини исроф қилгани учун хижолат бўлиш, мардларча узр сўраб қўйишни ўзига эп кўрмади. Аксинча, жазаваси қўзиб тағин ёза бошлади.

Жума Мирзаев бир пайтлар давлатга қарашли автокорхонанинг акцияларини сотиб олиб, «Нозим Мирзаев» номли масъулияти чекланган жамиятга айлантирган. Мазкур жамият ҳисобидан ёнилғи қўйиш шахобчаси очиб, Денов нефть базасидан шартнома асосида ёнилғи олиб турибди.

У бошқаларнинг эҳтиёжини назар-писанд қилмайдими, хуллас, кўп қатори ажратилаётган лимиту фонд билан иши йўқ. Барчага тақсимланганда қанчадан тўғри келади, истеъмолчилар эҳтиёжини қоплайдимийўқми, бу ҳам уни қизиқтирмайди. Ҳамиша ўзи хоҳлаганча ёнилғи беришларини талаб қилгани-қилган. Йўқса...

Баъзилар Ж.Мирзаевга оққорани ажратиб олиш учун судга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Ниҳоят, у даъво аризаси билан икки марта Сурхондарё вилоят Хўжалик судига мурожаат қилди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам даъво аризалари қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Қонуний йўл билан тортишувда мағлуб бўлгач, Жума Мирзаев Ж.Қосимовни идорасига келиб, кўпчилик олдида ҳақорат қиладиган одат чиқарди. Ўзига тарафдор бўлган жанжалсевар одамларни тўплаб, нефть базаси ҳудудига кириб, видеокамерада иш жараёнларини соатлаб тасвирга олдирган вақтлари ҳам бўлди. Нефть базасидан автоцистернада олиб кетган ёнилғини қайтариб келиб «берган бензининг ифлос экан, қайтариб оласан» дея жанжал ҳам қилиб кўрди.

Хуллас, қандай бўлмасин рақибининг асабларини қақшатиш ва ўзи билан муштлашишга мажбур қилиш керак! Агар бу можароларни холис кузатиб юрган одам бўлса, Денов нефть базасининг раҳбарияти ва жамоасининг бардошига офарин айтган бўлар эди.

Ваҳоланки, узоқ йиллардан буён бу ердан ёнилғи-мойлаш ашёларини мунтазам олиб турган бошқа бирор ҳамкор — шахсий АЁҚШми, давлат корхонасими, ҳалигача сифат ва меъёр масаласида нефть базаси жамоасига эътироз билдирган эмас. Қилдан қийиқ, тирноқдан кир излаётган фақат Жума Мирзаев.

Суд унинг даъволарини асоссиз топиб рад этса, «қози порага сотилган» дея айюҳаннос солади. Юқори маҳкамаларга ёзган аризаларини Тошкенту Термиздан атай келиб холис текширган мутахассисларнинг-да шаънига бўлмағур ҳақоратларни ёғдиради. Унингча, гўё ҳамма порахўр, ҳамма адолатсиз.

Шартнома амалдаги қонунларга мувофиқ томонларнинг ихтиёри билан тузилиши керак. Денов нефть базаси жамоаси жорий йил учун Жума Мирзаев билан шартнома тузмасликка қарор қилди. Сабабини юқорида айтдик. Бундан Мирзаев янада жазавага тушмоқда. Агар у хоҳласа бошқа туманларнинг нефть базалари билан шартнома тузиб ҳам ёнилғи олавериши мумкин-ку? Аммо унинг асл мақсади бошқа...

Бир нақл бор: Баъзи «уддабуррон» раҳбарлар қўл остидагиларни бир-бирларига гижгижлаб, ёқавайрон қилиб қўяди-да, улардан «зўр»ини ажратиб олар эканлар. Улар 3 та қозон-ўчоқ қўйиб, ўртадагисини бўм-бўш, иккаласини эса лиқ тўлдириб шўрва қайнатишар ва обдон қайнаётган қозонлардан отилиб тушган «мехригиё»ни ўртадаги бўш қозонга тушириб олишар экан. Иккала ён қўшни — икки раҳбарни гиж-гижлаб уриштириб қўйган панадаги кишиларнинг эса ҳозирча ўртадаги қозонлари бўш турибди. Бизнингча кўнгли кир одамларнинг идишларига ҳеч қачон мехригиё тушмайди. Билъакс, қозонлари гуноҳи азим билан лиммо-лим тўлади.

Жамоа ишчи-ходимлари номидан:

Баҳриддин УСМОНОВ, Саидмурод ТИЛАКОВ ва бошқалар.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қаердадир, кимдир тўрачилик, маъмурий-буйруқбозликдан жабр чеккан бўлса, яна кимдир ўз ҳуқуқлари поймол қилинаётганидан нолиб шикоят ёзади. Кимдир жойлардаги таниш-билишчиликдан ранжиса, яна кимдир ўз турмушидан арз қилади.

Яна шундай «шикоятчи»лар борки, улар ҳамиша ўзларини ҳақ, деб атайдилар. Ўзларини «ҳақиқат учун курашувчи», деб биладилар. Тирноқ остидан кир қидириб, юқори ташкилотларга арз қилаверадилар, арз қилаверадилар... Натижада ўнлаб ташкилотдагилар ушбу шикоятлар билан бирваракайига шуғулланишга киришадилар. Вақт, асаб йўқотилади. Ташкилотлар ҳисобидан сафар харажатлари учун катта миқдордаги пуллар елга совурилади. Борилган жойда текширувчини кутиб олишу кузатиб қўйиш учун ўнлаб кишиларнинг югур-югурлари бошланади, вақти кетади. Шикоятда ёзилган «қоронғи уйдаги қора мушукни топиш»нинг эса иложи йўқ — қора ниятдан бошқа ҳеч нарса топилмайди.

Шикоятчи жавобдан норози бўлади, яна-да юқорироқ идораларга арз қилади. Ариза ғилдиракка ўхшаб, идорадан-идорага ўтиб юраверади, юраверади. Яна хизмат сафари, яна харажат, яна вақт исрофи.

Асоссиз шикоят ёзувчилар одамлар руҳига чанг солишади, муҳитни бузишади, жамиятга катта иқтисодий зарар келтиради.

Тўғри, ҳар бир кишининг мурожаат қилиш ҳуқуқи бор. Унга ҳеч ким дахл ёки чегара қилолмайди. Лекин кимнингдир ёки қайсидир идора устидан арз қилаётган киши ўз сўзи учун масъулиятни ҳам унутмаслиги лозим. Ҳуқуқимиз бор деб, мажбуриятимизни унутишимизни қонунимиз ҳам, виждонимиз ҳам қабул қилмаса керак! Қолаверса, бировнинг устидан асоссиз хат ёзиб, уни бадном қилишга уринган кишига бўҳтончи сифатида жазо бериш мумкинлиги қонунда кўрсатилган-ку.

ИНТЕР-СПОРТ

Орани очиқ қилмоқчи



Сешанба куни дастлабки ярим ўрта вазнли боксчилар орасида танилган Артуро Гатти билан Мики Уорд ўртасида шартнома тузилгани маълум бўлди. Ҳар иккала боксчи бундай келишувга мувофиқ 7 июнь куни Атлантик-Сити шаҳрида рингга кўтариладилар. Бу жанг рақиблар учун учинчи учрашув бўлади. Улар кейинги бир ярим йил ичида икки марта ўзаро рўбарў келишган. Гап шундаки, мазкур баҳсдан кейин Мики Уорд катта спорт билан ҳайрлашмоқчи. «Бутун умримни боксга бағишладим. Энди у билан хайрлашадиган вақт ҳам етди, — дейди Мики. — Яна бир бор Артуро Гатти билан жанг қилмоқчиман. Маълумки, иккинчи учрашувда у мендан устун келган. Биттадан ғалабага эга бўлганимиз учун ҳам орани очиқ қиладиган соат етди, деган фикрдаман».

Қизиғи шундаки, бу боксчилардан бири биринчи ярим ўрта вазн бўйича жаҳон мутлақ чемпиони Константин Цзюга рўбарў бўлиши мумкин экан. Боиси, Бутунжаҳон бокс уюшмаси Цзюга муносиб рақиб қидирмоқда.

Тайсон билан жанг тақдири Льюисга боғлиқ

Маълумки, Бутунжаҳон бокс уюшмаси жаҳон чемпиони Леннокс Льюисга Майк Тайсон билан жанг қилиш-қилмаслиги ҳақида бир қарорга келиши учун икки ҳафталик муддат берган эди. Агар Льюис 15 апрелга қадар қатъий қарорга келолмаса, халқаро бокс уюшмаси Льюисни украин Виталий Кличко билан жангга чорлашга мажбур бўлади. «Бордию Льюис Тайсон билан жанг қилолмаса, бир ой мобайнида Виталий Кличко билан учрашув муддатини маълум қилиши зарур, — дейди халқаро бокс уюшмаси президенти Хосе Сулейман. — Льюис бу жангдан ҳам бош тортадиган бўлса, у чемпионлик мавқеини бой бериши турган гап».

Зиданни қайтариб бўлмас

Чемпионлар лигаси учун дастлабки чорак финал учрашувда «Реал» билан «Манчестер Юнайтед» майдонга тушди. Бу ўйин мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Инглиз футболчилари имкониятни бой беришларини кўпчилик кутмаган эди. Испаниянинг «Реал» футболчилари кўтаринки рухда тўп суриб, ҳисобни ўз фойдаларига (3:1) ҳал этдилар. Бу билан Висенте дель Боске шогирдлари ўз жамоасини чемпионлар лигасининг ярим финалига чиқиши учун қулай имконият яратишди. Учрашувнинг биринчи қисмида Зайниддин Зидан ўзини кўрсатди. 12-дақиқада Зидан Луиш Фигуга усталик билан тўпни ошириб, у эса дарвозани ишғол этди. Иккинчи тўпни эса Зиданнинг кўмагида Раул дарвозага киритди. Танаффусдан кейин Раул учинчи тўпни киритди. Жавоб тўпини эса Руд ван Нистелрой амалга оширди.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA